

## М.Н.БОЛТАЕВ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ТАСАВВУФГА МУНОСАБАТ

Асрарова Мухаббат Усманджоновна, БухМТИ “Ўзбек ва хорижий тиллар” кафедрасининг катта ўқитувчиси



<https://orcid.org/0009-0004-1247-8156>

e-mail: [kdirbaev-95@mail.ru](mailto:kdirbaev-95@mail.ru)

## ATTITUDE TO MYSTICISM IN THE SCIENTIFIC HERITAGE OF M.N. BOLTAEV

Asrarova Muhabbat Usmandjonovna, senior lecturer of the department of Uzbek and foreign languages, BITI

## ОТНОШЕНИЕ К МИСТИЦИЗМУ В НАУЧНОМ НАСЛЕДИИ М.Н.БОЛТАЕВА

Асрарова Мухаббат Усманджоновна, старший преподаватель кафедры узбекского и иностранного языков БИТИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада серқирра илм эгаси, маънавий жасорат соҳиби ва фидойи инсон Муҳаммад Болтаевнинг мустақиллик даврида Шарқ ва Ғарб файласуфлари, тасаввуф, социология йўналишларида фалсафий тадқиқотлар олиб борганлари ва комил инсон тарбиясига қўшган хизматлари ҳақида баён этилган.

**Калим сўзлар:** маънавий жасорат соҳиби, фидойи инсон, тасаввуф таълимотлари, баркамол авлод тарбияси, инсон мавзуси.

**Abstract:** In this article, the great scholar, spiritual courage and selfless person Muhammad Boltaev carried out philosophical researches in Eastern and Western philosophers, Sufism, sociology during the period of Independence and contributed to the education of a perfect person.

**Key words:** possessor of spiritual courage, self-sacrificing person, teachings of Sufism, upbringing of perfect generation, human subject.

**Аннотация:** В этой статье великий учёный, духовно мужественный и самоотверженный человек Мухаммад Болтаев провёл философские исследования в области восточных и западных философов, суфизма, социологии в период независимости и внёс свой вклад в воспитание совершенного человека.

**Ключевые слова:** обладатель духовного мужества, самоотверженный человек, учение суфизма, воспитание совершенного поколения, человек-субъект.

### КИРИШ (INTRODUCTION).

Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан ўтган бобокалонларимиз хотирасини ёдда сақлаш, миллий ўзлигимизни англаш мақсадида, фидойи ўз халқининг чин фарзандларини эъзозлаб яшаш, уларнинг халқимизга кўрсатган беминнат хизматлари ҳақида ёзиш ва таъкидлаш кераклиги ҳақида катта вазифалар юкланди. Шундай серқирра илм эгаси, маънавий жасорат соҳиби ва фидойи инсон Муҳаммад Болтаевдир. Олим Мустақиллик даврида Шарқ ва Ғарб

файласуфлари, тасаввуф, социология йўналишларида фалсафий тадқиқотлар олиб борганлар. Унинг ўнлаб мақола, китоблари шу мавзуга бағишланган.

**МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ (LITERATURE REVIEW).** Барча тасаввуф таълимотларида инсон махсус ўрганилган. Муҳаммад Болтаев: “Тасаввуф – диний-фалсафий инсоншунослик илмидир”, - деганлар[1,5]. Тасаввуф олимлари одамларни икки тоифага Нурий ва Норий одамларга бўлади,

деганлар. Нурий инсонлар ҳаётда ўзининг ҳақиқий абадий томони – руҳий оламига эътибор қаратиб, жисмоний томонини чегаралайди, Норий одамлар эса ўтга, оловга ўхшаган одамлар бўлиб, улар ўз жисмларига кўп эрк берадилар. Бундай инсонларни бугунги ҳаётимизда яққол ажрата оламиз – бу такводор, художўйлар ва иккинчи тоифа инсонлар – ўз ҳаётини ўз тушунчалари билан бошқарадиганлар, яъни ҳеч нимага ишонмайдиганлар десак, муболаға бўлмайди[1,5]. Нурий одамлар ҳаётдаги ўрнини қадрлайди, ҳар бир яхши ва ёмон ишларни синов деб билади ва тўғри йўлдан оғмай боришга ҳаракат қилади. Норий одамлар эса “ҳаёт бир марта берилади”, дея ўзи хоҳлаган тарзда яшаб кўпгина ноўрин ишларга қўл уради ва бундан азият чекади. Натижада қилган ишларидан пушаймон бўлади ва аксарияти Нурий инсонларга эргашиб Худодан паноҳ сўрайди. Бу фикрлардан келиб чиқиб, олим инсон нафси масаласига эътибор қаратади. Тасаввуфда инсон масаласини ўрганишда файласуф тарихий, илмий асосланган манбаларга мурожаат қилган. Шу ўринда устозга хос синчковлик, меҳнатсеварлик, теран ақл ва салоҳият алоҳида намоён бўлган[1,5].

**ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР (ANALYSIS AND RESULTS).** Нақшбандия таълимотида барча тасаввуфий таълимотлардаги каби инсон мавзуси махсус ўрганилган. Мутасаввифларнинг фикрига кўра, оламдаги энг мураккаб сиру жумбоқлардан бири инсоннинг ўзи ҳисобланади, деганлар М.Болтаев. Инсон жуда кўп ҳали поёнига етмаган сиру – синоатлардан иборатким, уларни ўрганишга кўп вақт ва кўп изланишлар талаб этади. Бу борада устоз Муҳаммад Болтаев бир ривоятни келтирдилар: Шогирд пири устоздан сўрабдики: “Дунёда энг мураккаб ва мушкул нарса нима?” Устоз шундай жавоб берган эканлар: “Энг қийин ва энг мушкул асрор одамнинг ўзи, ўз-ўзини билиб олишдир” [2,3].

Устозимиз М.Болтаев тасаввуф таълимотининг билимдони сифатида одам мураккаб мавжудот бўлиб, икки жиҳатдан жисмий-жасадий ва руҳий-равоний томонлардан, яъни “Олами асғар” (Кичик олам) ва “Олами акбар” (Улкан руҳий олам)дан иборатлигини, инсоннинг бир томондан илохий, иккинчи томондан жисмоний ва ижтимоий моҳиятини асослаб берганлар[2,3].

М.Н.Болтаев тасаввуф, инсоншунослик ва ўзликни англаш ҳақидаги қарашларини Хожагон – нақшбандия тариқати асосида баён этганлар. “Хўжа Абдулҳолиқ Ғиждувоний – инсондўст ҳаким, рифъат шайх” номли рисоаларида Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳақида маълумотлар келтирилган. Биз биламизки, Абдулҳолиқ Ғиждувоний Хожагон тариқатининг асосчиси ҳисобланади. Илмий рисоланинг бошланишидаёқ Хўжаи Жаҳоннинг таржимаи ҳолларига оид маълумотлар келтирилган. Абдулҳолиқ Ғиждувоний қадим даврларданок тижорат, савдо, маданий-маънавий ҳаётнинг маркази ҳисобланган Ғиждувон туманида туғилиб, таълим олиб, маънавий камолотга интилиб, кейинчалик Хожаи Жаҳон деган унвонга сазовор бўлганлари ҳақида баён этилган.

М.Болтаев таъкидлаганларидек, худошунослар тасаввуф аҳлини ориф, сўфий деб атаган, орифларнинг мўтабар устози Хўжаи Жаҳон Абдулҳолиқ Ғиждувоний ўзларининг тасаввуфий-ирфоний қарашларини аҳком ва ақоидларини бизгача етиб келган тўрт асарлари – “Рисолаи тариқат”, “Рисолаи Саҳабия”, “Васиятнома” ва “Зикри Абдулҳолиқ Ғиждувоний” номли асарларида баён этганлар [2,4]. У кишининг таълимотича сўфийнинг энг биринчи вазифаси, бурчи – маънавий поклик, ул шахс сўфийликни яшаш қондаси, шиори қилиб кўйиши лозим.

М.Болтаевнинг рисоаларида келтирилган маълумотларига кўра, Абу Ёқуб Ҳамадоний Хожагон тасаввуфий силсиласининг буюк сиймосидирлар. Улуғ шайх Ҳамадоний тарихий гувоҳликларга кўра тасаввуф аҳли йўлини таърифлаб туриб айтганларки, поклик, порсоликнинг икки йўли бордир: бири ташқи, зоҳирий ва иккинчиси ички, ботинийдир. Ташқиси шундан иборатки, йўловчи ҳамиша мусулмонлик аҳком ва шарият қоидаларини бажариши лозим, яъни ўз нафсини тийиши, покланиши керак. Ички йўл эса қалбни тозалаш, ўзидан қабих, ёмон сифат хусусиятлардан қутулишни талаб этади.

Устоз М.Болтаевнинг маълумотларига кўра, Юсуф Ҳамадоний ўз замонасининг мўтабар шайх-пирларининг шогирди-муриди бўлганлар [2,3].

Устоз М.Болтаевнинг кўп йиллар олдин Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳақида берган

маълумотлари, бугунги кунда тасдиғини топганлигини у кишининг шогирдлари Г.Наврўзова, О.Шарипова, Н.Сафарова, Б.Каримов, Б.Намозовлар илмий ишларидан ўрганмоқдамиз. Мустақилликдан олдинги ва кейинги (бўшлиқ) даврида бундай фикрлар ва қарашларга эътиборсизликлар ва эътирозлар бўлган. Собиқ совет тизими сиёсати ўзлигимизни унутишга эришилган бир даврда, бундай мутафаккирларнинг нафақат қарашлари, ҳаттоки, уларнинг номлари ҳам унутилганди. Бугунги кунда, тасавуф таълимоти ва унинг намояндаларини ўрганиш кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бугунги кунда ҳақиқий сўфийларнинг мезонлари, юқорида кўрсатилган талабларга тўлақонли жавоб беради. Демак, устозимиз М.Болтаевнинг изланишлари самараси, десак хато бўлмайди.

Демак, комиллик мақомига эришиш, энг аввало, халқ манфаати йўлида холис меҳнат қилиб, ўзи ҳам такомиллашиб бориши экан. Бу ғоя, худди ҳазрат Б.Нақшбанднинг: “Шам каби бўлинг, ўзингиз куйиб адо бўлсангиз ҳам бошқаларга ёруғлик улашинг” [3,49]. Зеро, ҳазрат Б.Нақшбанд Хожагон таълимотининг вориси сифатида у кишининг ғояларини такомиллаштирган.

Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) — ўз даврининг буюк мутафаккирларидан ва тасавуфий йўналишлардан бири ҳисобланган Нақшбандия тариқатининг асосчиларидан

бўлганлар. Унинг илмий мероси ва таълимотлари ўзбек халқининг руҳий, маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатган.

Нақшбандия тариқатининг асосий хусусиятларидан бири – инсоннинг ички дунёси ва ўзи билан тўғри муносабатни англашга интилишдир.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР (CONCLUSION/RECOMMENDATIONS).**

М.Болтаевнинг фикрларига кўра, шунинг учун хайрли амални бажара туриб одам қандайдир маънавий томондан хурсандлик, шодлик, роҳат ҳолатидаги ҳиссиётга эга бўлади ва ёмон қилмиши унда маънавий норозиликни, уятли ҳолатни, руҳий қийнашни уйғотади. Виждонга тааллуқли бўлган мазкур амалларда инсондаги ҳиссий ва иродавий томонлар намоён бўлади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES):**

1. Наврўзова Г. Н. , Рахматова Х. Муҳаммад Назарович Болтаев – инсоншунос олим. “Фалсафанинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-назарий конференция тўплами. Бухоро: Бухоро, 2014 й.
2. Болтаев М.Н. Хўжа Абдухолик Ғиждувоний – инсондўст ҳаким, рифъат шайх. Бухоро, 1994.
3. Болтаев М.Н. Хўжа Абдухолик Ғиждувоний – инсондўст ҳаким, рифъат шайх. Бухоро, 1994.

